



## Муташобех Оятларнинг Турлари Ҳақида

**Ахмедов Бурхон Абдурахмонович,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш  
ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа доктори PhD  
Тел: (90) 317-52-22 мобил

## About the Types of Mutasabeh Verses

**Akhmedov Burkhan Abdurakhmonovich,**  
International Islamic Academy of Uzbekistan  
Study of Islamic Studies and Islamic Civilization  
Senior lecturer of the ICESCO department, Doctor of Philosophy, Ph.D  
Phone: (90) 317-52-22 mobile

### ABSTRACT

Муташобих оятларнинг навларидан бири Аллоҳ таолонинг сифатлари баён қилинган оятлардир. Ушбу оятлардан нима ирода қилингани ҳақида жуда кўп баҳс қилинганидан муташобих оятлар деганда зеҳнга дастлаб ушбу оятлар келадиган бўлиб қолган. Аллоҳ таолонинг сифатлари баён қилинган муташобих оятларни учга тақсимлаш мумкин:

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> December 2022

Revised: 11<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 20<sup>th</sup> February 2023

**KEYWORDS:**  
Муташобих оятларнинг

Муташобих оятларнинг навларидан бири Аллоҳ таолонинг сифатлари баён қилинган оятлардир. Ушбу оятлардан нима ирода қилингани ҳақида жуда кўп баҳс қилинганидан муташобих оятлар деганда зеҳнга дастлаб ушбу оятлар келадиган бўлиб қолган. Аллоҳ таолонинг сифатлари баён қилинган муташобих оятларни учга тақсимлаш мумкин:

1. Зоҳири Аллоҳ таолога тараф нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобих оятлар.

Масалан:

يَخَافُونَ رَبَّهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ

**Улар ўстиларидаги Роббиларидан қўрқурлар.**

Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолога уст тараф нисбатини беришни ваҳмга келтиради.

2. Зоҳири Аллоҳ таолога жисм нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобих оятлар.

Масалан:

وَجَاءَ رَبُّكَ

**Ва Роббинг келса.**

Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолога жисмлар каби бир жойдан иккинчи жойга кўчиш нисбатини беришни ваҳмга келтиради.

3. Зоҳири Аллоҳ таолога аъзо нисбатини беришни ваҳмга келтирувчи муташобих оятлар. Масалан:

يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ

**Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир.**

Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таолога тана аъзосини нисбат беришни ваҳмга келтиради.

Ушбу оятларнинг зоҳирий маънолари Аллоҳ таолонинг сифатларини баён қилган муҳкам оятларнинг маъноларига зид бўлиб қолган. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари ҳақидаги эътиқод эса Қуръоннинг асли бўлган муҳкам оятлар билан собит бўлган. Шунинг учун ушбу муташобих оятларни қандай тушуниш лозимлигида жуда кўплаб баҳс мунозаралар қилинган.

Муташобих оятлар ҳақида баҳс юритувчиларни беш қисмга ажратиш мумкин:

**1. Муътазилийлар.** Бу фирқа Аллоҳ таолони бандаларнинг сифатларидан поклаб ёд этиш даъвоси билан муташобих оятларни ақлларига мослаб таъвил қилганлар. Муътазилийлар муташобих оятлар тўғрисида аҳли суннага хилоф қилган дастлабки фирқа ҳисобланади.

**2. Зиндиклар ва қаромита фирқалари.** Бу фирқалар Қуръон тўғрисида бирор шубҳа пайдо қилишга ва авом халқни адаштиришга уриниш маъносида муташобихлар ҳақида баҳс юритганлар. Бундай ишга журъат қилганлар шак-шубҳасиз кофир бўладилар.

**3. Мужассима фирқаси.** Бу фирқа муташобих оятлар ҳақида Аллоҳ таоло баён қилганидек эътиқод қилиш даъвоси билан Аллоҳ таолога жисм нисбатини берганлар. Муташобих оятларнинг зоҳирий маъноларига кўра Аллоҳ таолони юзи, кўзи, икки қўли ва оёғи бор деб тасвирлашган. Уламолар бундай эътиқод қилишни бут санамларга ибодат қилиш билан тенг бўлади, деганлар. Яъни, бутпарастлар олдиларидаги бутларга ибодат қилаётган бўлсалар, жисм нисбатини берувчилар тасаввурларидаги бутларга сиғинаётган бўлиб қоладилар. Шунинг учун бу фирқанинг ҳукми муртадларнинг ҳукми каби бўлади, деганлар. Бу ҳақда Розий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: “Аллоҳга жисм нисбатини берувчи Аллоҳга асло ибодат қилган эмас. Чунки у тасаввуридаги гумоний суратга ибодат қилади. Аллоҳ таоло эса буларнинг барчасидан покдир”.

Муътазилийларва мужассималар орасидаги фарқлар:

Муътазилийлар: муташобих оятларни ақлга мослаб таъвийл қилганлар. Натижада Қуръон ва суннатда келган Аллоҳ таолонинг сифатларига далолат қилувчи зоҳирий маъноларни ақлга тўғри келмагани учун қатъийан инкор қилганлар.

Мужассималар: муташобих оятларнинг зоҳирий маъноларидан нимани тушунсалар, уларни худди ўшандай деб эътиқод қилганлар. Натижада жисмларга хос бўлган маъноларни Аллоҳ таолога тааллуқли қилиб қўйганлар.

**4. Илмсиз равишда муташобихлар ҳақида баҳс юритиб саволларни кўпайтирувчи мусулмонлар.** Уламолар Қуръон ва суннатдаги амал қилишга тааллуқли бўлмаган хабарларнинг таъвили билан машғул бўлиш лозим эмаслигини, балки улардан ирода қилинган нарсанинг ҳақ эканига эътиқод қилиш вожиблигини таъкидлаганлар. Аммо ҳар бир даврда ҳам ўзларига лозим бўлмаган нарсалар ҳақида баҳс юритиб кўпчиликнинг бошини оғритадиган кимсалар топилган. Бундай кимсаларга қаттиқ таъзир берилади. Қуйидаги маънодаги ривоят бунга далил bo'ladi. Umar розияллоҳу анҳуга Субайф ибн Асал исмли кишининг муташобихлар ҳақида гапириб юриши хабар берилган. Умар розияллоҳу у билан учрашган пайтларида ҳатто у зотдан ҳам "ваззариати зарва" ояти ҳақида сўраган. Умар розияллоҳу анҳу ундан –исмининг нима, деб сўраганлар. У-Абдуллоҳ Субайф, деб жавоб берган. Шунда у зот- мен Абдуллоҳ Умар бўламан, деб уни қаттиқ калтаклаганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу муташобихлар ҳақида хиралик қилибсўрайдиганларга: Умарнинг Субайфга қилганидек иш сенга ҳам қилинишига сени нима мажбур қилаяпти, дер эканлар.

**5. Аҳли сунна вал жамоа уламолари.** Бу муҳтарам зотлар муташобих оятлар ҳақида қандай эътиқод қилиш лозимлигини шаръий далиллар асосида исботлаб берганлар. Мазкур уламолар ушбу масала тўғрисида умумий икки гуруҳга бўлинадилар:

1. Тафвийз қилувчилар, (ирода қилинган маънони Аллоҳга топширувчилар).
2. Таъвил қилувчилар, (муҳкам оятларга мувофиқ қилиб маъно берувчилар).

Тафвийз қилувчилар деганда аҳли сунна вал жамоа уламоларининг жумхури тушунилади. Таъвил қилувчилар деганда эса зарурат тақозосига кўра таъвил қилишга рухсат берган озчилик уламолар тушунилади.

Тарихга назар солинадиган бўлса, муташобих оятлар нозил бўлаётган пайтларда ҳамда унга энг яқин вақтларда яшаган саҳобалар ва тобеъинларнинг даврларида тафвийз қилингани маълум бўлади. Бу зотларнинг даврларида Куръон ва суннатда келган муташобих лафзлар истеъмол қилинганидан ортиқ баҳс қилинмаган, баҳс қилишга уринмоқчи бўлганлар ҳам, бу ишдан қаттиқ қайтариб ташланган. Бунга асосан қуйидаги машҳур ривоят мисол қилиб келтирилади. *Абдуллоҳ ибн Ваҳбдан ривоят қилинади: "Биз Молик ибн Анаснинг ҳузурларида эдик, бир киши кириб келиб, "Ар-Роҳман арига истиво қилди" маъносидаги оятни ўқиди ва: эй Абу Абдуллоҳ, истиво қандай бўлган, деб сўради. Молик эрга қарадилар, шу туришларида у зот терга ботиб кетдилар сўнг бошларини кўтариб: Ар-Роҳман Ўзини васф қилганидек арига истиво қилган, у "қандай бўлган" дейилмайди, "қандай бўлиш" ундан олиб ташлангандир, сен бидъатчи ёмон кишисан, чиқариб юборинглар бунни, дедилар. У чиқариб юборилди".*

Дарҳақиқат, сўралган масала бандадан ниҳоятда эҳтиёткор бўлиб сўзлашнитакозо қиладиган ўта нозик масала эди. Бу масала мўмин банданинг муташобих оятларда баён қилинган Роббисининг сифатлари тўғрисида қандай эътиқод қилиши ҳақида эди. Шунинг учун ҳам имом Молик роҳматуллоҳи алайҳ бу масалага рўбарў бўлганларида терга ботиб кетганлар ва энг эҳтиёткор йўл бўлган саҳобалар ва тобеинларнинг йўллари, яъни тафвийзни ўзларига лозим тутганлар.

Салафи солиҳлар муташобих оятлар тўғрисида мана шу асл эътиқодни маҳкам тутиб келганлар. Аммо кейинчалик мусулмонлар орасида фитналар келтириб чиқараётган турли сабаблар туфайли таъвийл қилишга эҳтиёж туғилган.

Таъвийл қилишга ўтиш сабаблари ҳақида устоз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари "Сунний ақийдалар" номли асарларида шундай ёзганлар: " Вақт ўтиши билан Ислому давлати ҳудудлари кенгайиб, турли халқ, дин, фалсафа ва мафкурага эга одамлар ҳам исломни қабул қилишди, ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлашди. Табиийки, улар ўзларининг эски фикр ва тасаввурларидан бирдан ва тўла узилиб чиқа олмас эдилар. Шу билан бир вақтда, Ислому душманлари ҳам доимий равишда турли иғволар қилиб туришар эди. улар мусулмонларнинг ақийдаларига футур этказиш мақсадида турли шубҳали масалаларни ғоят усталик ила ўртага ташлар эдилар. Ана шундоқ масалаларнинг энг катталаридан бири, Аллоҳ таолонинг сифатларига оид оят ва ҳадисларнинг зоҳирий ма'ноларини мисол қилиб мусулмонлар ақийдасига зарар этказишга уриниш бўлди. Аллоҳнинг кўли, кўзи ёки У пок зотга нисбат берилган бошқа сифатлари таърифидида фитна кўзғаб кишиларни кўплаб залолатга кетказиш бошланди".

Демак ана шу каби фитналар жиддий тус олиб, уларнинг таъсирлари авом халқда кўрина бошлагандан сўнг аҳли сунна уламолари турли фирқаларга қарши курашга, соф эътиқодини ҳимоя қилишга бел боғлаганлар. Мазкур фирқаларнинг бузуқ даъволарини нақлий ва ақлий далиллар билан рад этувчи асарлар ёзганлар. Бу асарларда нотўғри қарашларга раддия бериш билан бир қаторда омма халқ учун тўғри эътиқодни ҳам баён қилиб борганлар. Тўғри эътиқодни баён қилишда баъзи уламолар авом халқнинг савияларини эътиборга олиб муташобих оятларни муҳкам оятларга мувофиқ бўладиган энг яқин маъносига ўтказганлар, яъни, тафвийздан таъвийлга ўтганлар. Таъвийл қилганлар муташобих оятларда баён қилинган **"истава"**га **"қийинчиликсиз бўйсиндирди"**, **"важҳ"**га «зот», **"яд"**га кудрат", **"жааа"**га "буйруғи келди", ма'ноларини берганлар.

Муташобих оятларни ушбу ма'ноларга таъвил қилиш ҳақида Камолидин ибн Хумом роҳматуллоҳи алайҳ «Мусаярот» номли асарларида шундай ёзганлар: "агар авом халқнинг «истиво»ни фақат бирлашиш каби жисмларнинг хусусиятлари билан тушунишларидан хавф қилинса, уларнинг фаҳмларини «истийла»га буришнинг зарари йўқдир. Чунки бу маъно ҳам ирода қилинган бўлиши мумкин. Китоб ва суннатдаги зоҳири жисмга далолат қиладиган **"исба"** (бармоқ), **"қодам"** (оёқ) ва **"яд"** (кўл) кабилар ҳам shuningdekdir. Lekin айнан шу маъно ирода қилинганига жазм қилинмайди".

Тафвийз қилувчилар таъвил қилишга қуйидагича эътироз билдирганлар: "таъвил қилиш қатъий бўлмаган далилни бошқа бир қатъий бўлмаган далилдан устун қўйиш бўлади. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари ҳақида эса қатъий бўлмаган далил билан сўзлаш мумкин эмас. Шунинг учун уларнинг

маъносига келганда тўхташ ва таъвилига киришмасдан нима ирода қилинганини Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола қилиш лозим бўлади".

Ўртадаги баҳсга эътибор берадиган бўлсак, тафвийз қилувчилар таъвийлни тафвийздан афзал кўришни ва муташобих оятдан айнан шу маъно ирода қилинган, деб жазм қилишни инкор қилганлар. Таъвийл қилишни жоиз санаган аҳли сунна уламолари эса тафвийздан таъвийлни афзал кўрганларидан бу ишни қилмаганлар ва муташобих оятдан айнан шу маъно ирода қилинган, деб жазм ҳам қилмаганлар.

Шунинг учун таъвил қилиш ҳақидаги кескин ихтилоф аҳли сунна ва муътазилий каби фирқалар орасида бўлган, аҳли сунна уламолари ўртасидаги хилоф эса фақат лафзий бўлган холос. Яъни, жумхур уламолар муташобих оятлар ҳақидаги асосий эътиқодни айтган бўлсалар, баъзи уламолар асосий эътиқодни тушунтириш учун зарурат пайтида таъвийл қилиш жоизлигини айтганлар.

Тафвийз қилувчилар ва таъвил қилувчилар ўртасидаги ихтилофларнинг хулосаси ушбу баҳслар ҳисобланади. Мазкур баҳсларнинг сабабларига эътибор бериладиган бўлса, иккала тарафнинг ҳам мақсадлари бир экани, яъни, Аллоҳ таолога нолайиқ сифатларни нисбат бериб қўйишдан сақланиш экани маълум бўлади. Бу ҳақида Иброҳим Лаққоний роҳматуллоҳи алайҳ "Жавҳаротут тавҳид" номли машҳур назмий асарларида шундай ёзганлар:

وَكُلُّ نَصٍّ أَوْهَمَ التَّشْبِيهَا أَوْلَهُ أَوْ فَوْضَ وَرُمَّ تَنْزِيهَا

**Ташбеҳ ваҳмини келтирган барча матнларни таъвийл қилгин, ё тафвийз қилгин ва** (ҳар иккаласида ҳам Аллоҳ таолони айбу нуқсонлардан) **поклашни ирода қилгин.**

Мулла Али Қорий роҳматуллоҳи алайҳ тафвийз ва таъвилларнинг бир-бирларидан фарқларини шарҳлаб хулосасида шундай деганлар: "салафи солиҳларнинг тутган йўллари (тафвийз) билувчироқ ва саломатроқдир, халафларнинг тутган йўллари (таъвийл) эса тиювчироқдир". Яъни, тафвийз қилиш муташобихни билувчироқ ва унга ирода қилинмаган маънони бериб қўйиш хавфидан саломатроқ бўлса, таъвийл қилиш авомларнинг ақлларида ташбеҳ шубҳасини тиювчироқдир.

Асрлар давомида мазкур баҳсларда тафвийз қилиш саҳобалар, тобеинлар, тўртала мазҳаббошилар ҳамда улардан кейин шаклланган мотуридия ва ашъария мазҳабидаги жумхур уламоларнинг қарашлари сифатида, таъвийл қилиш эса ашъария мазҳабидаги баъзи олимларнинг қарашлари сифатида эътиқод қилиб келинган.

Кейинчалик ҳижрий ўн иккинчи ва ўн учинчи асрларда Қуръон ва суннатга ҳақиқий эргашиш даъвоси билан олдингилардан фарқли янги фикрлар пайдо бўлган. Бу янги фикр соҳиблари мотуридийларни ҳам, ашъарийларни ҳам танқид қилишиб, тафвийзни ҳам таъвийлни ҳам инкор қилганлар. Ушбу янги фикр соҳиблари бир қанча даъволарни айтганлар. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

**1. Янги фикр соҳибларининг даъволари:** Қуръондаги Аллоҳ таолонинг сифатларига далолат қилувчи ма'ноларни тафвийз қилиш, аслида Аллоҳ таоло баён қилган сифатнинг лафзини маълум маъносидан холий қилиб исботлашдан бошқа нарса эмас. Бу эса очиқ-ойдин хатодир.

**Мотуридийларнинг жавоблари:** Тафвийз қилиш Аллоҳ таоло баён қилган сифатнинг лафзини маълум маъносидан ажратиш эмас, балки зоҳирий маъноси муҳкам оятга зид бўлиб қолгани учун ундан нима ирода қилинганини Аллоҳ таолога топширишдир. Бу эса муташобих оятга ирода қилинмаган маънони бериб қўйиш хавфидан саломат бўлган энг тўғри йўлдир. Зеро банданинг зиммасида муташобих оятдан ирода қилинган маънони излаб топиш эмас, унга иймон келтириш мажбурияти бордир.

**2. Янги фикр соҳибларининг даъволари:** тафвийз қиладиганлар аслида, таъвийл қиладиганларнинг хатоларидан яъни, сифатларнинг ма'ноларини ўзгартириб қўйишдан сақланмоқчи бўладилар, лекин бу ишлари билан аслида маънони ўзгартиришдан, маъносизликка ўтадилар холос.

**Мотуридийларнинг жавоблари:** муташобих оятларнинг зоҳирлари далолат қилиб турган ма'ноларни тафвийз қилиш, маъносизликка ўтказиш эмас, балки уларга нозил қилинганидек иймон келтиришдир. Яъни муташобих оятларнинг луғавий ма'нолари маълум, аммо ўша луғатларнинг зоҳирий ма'нолари муҳкам оятларга хилоф бўлиб қолган. Муҳкам оятлар эса Қуръоннинг асли эканини Аллоҳ таолонинг Ўзи хабар берган. Шунинг учун муташобих оятларда келган Аллоҳ

таолонинг сифатларига иймон келтирамиз, улардан нима ирода қилинганини У зотнинг ўзига ҳавола қиламиз.

Ўртадаги баҳсларга эътибор бериладиган бўлса, янги фикр соҳиблари жумҳур уламолар наздида муташобих ҳисобланган оятларни муташобих ҳисобламаганлари келиб чиқади. Бунинг натижасида эса муташобих оятларнинг зоҳирий ма'ноларига "махлуқларникига ўхшамайдиган" деган қайд билан эътиқод қилишлари юзага келган.

#### **Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати**

1. Аҳмад ибн Муҳаммад Моликий Совий "Китаб шарҳу Совий ала жавҳаротит Тавҳид" 217-бет.
2. Мулла Али Қорий "Шарҳу китаб ал-Фикҳул акбар", 65-бет.
3. Шайх Жамолiddин Аҳмад ибн Муҳаммад Ғазнавий Ҳанафий "Китаб усулид дин" доктор Умар Вафийқ Даъук таҳқиқ ва таълиқи 75-бет.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф "Сунний ақийдалар" 111-бет.
5. Камолiddин ибн Хумом "Мусаярот", Зайниддин Қосим ҳанафий ҳошияси, 33-бет.
6. Абу Ҳафс Сирожиддин Ғазнавий "Шарҳу ақийдати имом Таҳовий", 84-бет.
7. Иброҳим Лаққоний "Жавҳаротут тавҳид" 40-байт.
8. Мулла Али Қорий "Зовъул маъалий" 33-бет.
9. Тоҳа сураси 5-оят.
10. Шайх имом Маймун ибн Муҳаммад Абул Муъийн Насафий, "Баҳрул калом" доктор Валиюддин Муҳаммад Солих Фарфур таҳқиқи, 115-бет.